

## Риёзус солиҳийн шархи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1523-ҳадис

1523 - وَعَنْ أَبِي مُحَمَّدٍ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ أَبِي بَكْرٍ الصِّدِيقِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا: أَنَّ أَصْحَابَ الصُّفَّةِ كَانُوا نَاسًا فَقِيرًا، وَأَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ مَرَّةً: «مَنْ كَانَ عِنْدَهُ طَعَامٌ ثَانِيٌّ، فَلَيُذْهَبْ بِشَالِثٍ، وَمَنْ كَانَ عِنْدَهُ طَعَامٌ أَرْبَعَةٌ فَلَيُذْهَبْ بِخَامِسٍ بِسَادِسٍ» أَوْ كَمَا قَالَ، وَأَنَّ أَبَا بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ جَاءَ بِشَالَاثَةٍ، وَانْطَلَقَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِعَشَرَةَ، وَأَنَّ أَبَا بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ تَعَشَّى عِنْدَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، ثُمَّ لَيَتَ حَتَّى صَلَّى الْعِشَاءَ، ثُمَّ رَجَعَ، فَجَاءَ بَعْدَ مَا مَضَى مِنَ اللَّيلِ مَا شَاءَ اللَّهُ، قَالَتْ امْرَأَتُهُ: مَا حَبَسَكَ عَنْ أَضْيَافِكَ؟ قَالَ: أَوْ مَا عَشَّيْتُهُمْ؟ قَالَتْ: أَبْوَا حَتَّى تَجِيءَ وَقْدَ عَرَضُوا عَلَيْهِمْ. قَالَ: فَدَهَبْتُ أَنَا، فَاحْتَبَأْتُ، فَقَالَ: يَا عُنْتُرُ. فَجَدَّعَ وَسَبَّ، وَقَالَ: كُلُوا لَا هَنِئَا، وَقَالَ: لَا أَطْعُمُهُ أَبَدًا، قَالَ: وَإِيمُونَ اللَّهِ؛ مَا كُنَّا نَأْخُذُ مِنْ لُقْمَةٍ إِلَّا رَبَّا مِنْ أَسْفَلِهَا أَكْثُرُ مِنْهَا حَتَّى شَبَّعُوا، وَصَارَتْ أَكْثُرُ مِمَّا كَانَتْ قَبْلَ ذَلِكَ، فَنَظَرَ إِلَيْهَا أَبُو بَكْرٍ فَقَالَ لِامْرَأَتِهِ: يَا أُحْنَى بَنِي فِرَاسٍ؛ مَا هَذَا؟ قَالَتْ: لَا وَقْرَةَ عَيْنِي؛ هَيَّ الآنَ أَكْثُرُ مِنْهَا قَبْلَ ذَلِكَ بِشَالَاثِ مَرَّاتٍ!! فَأَكَلَ مِنْهَا أَبُو بَكْرٍ وَقَالَ: إِنَّمَا كَانَ ذَلِكَ مِنَ الشَّيْطَانِ - يَعْنِي يَمِينَهُ - ثُمَّ أَكَلَ مِنْهَا لُقْمَةً، ثُمَّ حَمَلَهَا إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأَصْبَحَتْ عِنْدَهُ. كَانَ بَيْنَنَا وَبَيْنَ قَوْمٍ عَهْدٌ، فَمَضَى الْأَجْلُ، فَتَفَرَّقَنَا اثْنَيْ عَشَرَ رَجُلًا، مَعْ كُلِّ رَجُلٍ مِنْهُمْ أُنَاسٌ، اللَّهُ أَعْلَمُ كُمْ مَعَ كُلِّ رَجُلٍ، فَأَكَلُوا مِنْهَا أَجْمَعُونَ.

وَفِي رِوَايَةٍ: فَحَلَفَ أَبُو بَكْرٍ لَا يَطْعَمُهُ، فَحَلَفَتِ الْمَرْأَةُ لَا تَطْعَمُهُ، فَحَلَفَ الضَّيْفُ - □ أَوْ الْأَضْيَافُ - □ لَا يَطْعَمُهُ - أَوْ يَطْعَمُوهُ - حَتَّى يَطْعَمُهُ، فَقَالَ أَبُو بَكْرٍ: هَذِهِ مِنَ الشَّيْطَانِ!! فَدَعَا بِالطَّعَامِ، فَأَكَلَ وَأَكَلُوا، فَجَعَلُوا لَا يَرْقَعُونَ لُقْمَةً إِلَّا رَبَّتْ مِنْ أَسْفَلِهَا أَكْثُرُ مِنْهَا، فَقَالَ: يَا أُحْنَى بَنِي فِرَاسٍ؛

مَا هَذَا؟ فَقَالَتْ: وَقَرْشَةٌ عَيْنِي؛ إِنَّهَا الآن لَا كُثُرٌ مِنْهَا قَبْلَ أَن نَأْكُلَ فَأَكَلُوا، وَبَعْثَ بَهَا إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَلَكَرَ أَنَّهُ أَكَلَ مِنْهَا [خ 6141].

وَفِي رِوَايَةٍ: أَنَّ أَبَا بَكْرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ لِعَبْدِ الرَّحْمَنِ: دُونَكَ أَصْبِيَافَكَ؛ فَإِنِّي مُنْطَلِقٌ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَاقْرُغْ مِنْ قِرَاهُمْ قَبْلَ أَنْ أَجِيءَ، فَانْطَلَقَ عَبْدُ الرَّحْمَنِ، فَأَتَاهُمْ إِمَّا عِنْدَهُ، فَقَالَ: اطْعَمُوهَا، فَقَالُوا: أَيْنَ رَبُّ مَنْزِلَنَا؟ قَالَ: اطْعَمُوهَا، قَالُوا: مَا نَحْنُ بِأَكْلِينَ حَتَّى يَجِدَ رَبُّ مَنْزِلَنَا، قَالَ: اقْبِلُوا عَنَّا قِرَاهُمْ؛ فَإِنَّهُ إِنْ جَاءَ وَلَمْ تَطْعَمُوهَا لَنْلَقِيَنَّ مِنْهُ، فَأَبْوَا، فَعَرَفُتُ أَنَّهُ يَجِدُ عَلَيَّ، فَلَمَّا جَاءَ تَحَيَّثُ عَنْهُ، فَقَالَ: مَا صَنَعْتُمْ؟ فَأَخْبَرُوهُ، فَقَالَ: يَا عَبْدَ الرَّحْمَنِ؛ فَسَكَتَ، فَقَالَ: يَا عُنْثَرُ؛ أَفْسَمْتُ عَلَيْكَ إِنْ كُنْتَ تَسْمَعُ صَوْتِي لَمَّا جِئْتَ! فَخَرَجْتُ، فَقُلْتُ: سَلَّمَ أَصْبِيَافَكَ، فَقَالُوا: صَدَقَ، أَتَانَا بِهِ، فَقَالَ: إِنَّمَا اتَّهَزَ مُؤْمِنِي، وَاللَّهُ؛ لَا أَطْعُمُهُ الْلَّيَّلَةَ، فَقَالَ الْآخَرُونَ: وَاللَّهُ؛ لَا نَطْعُمُهُ حَتَّى تَطْعَمَهُ، قَالَ: وَيَلْكُمْ!! مَا لَكُمْ لَا تَقْبِلُونَ عَنَّا قِرَاهُمْ؟ هَاتِ طَعَامَكَ، فَجَاءَ بِهِ، فَوَضَعَ يَدَهُ، فَقَالَ: بِسْمِ اللَّهِ، الْأَوَّلِ مِنَ الشَّيْطَانِ فَأَكَلَ وَأَكَلُوا. [خ 6140] مُتَّقِّ عَلَيْهِ [خ 2057، م 602].

قُولُهُ: «عُنْثَر» بِعَيْنٍ مُعْجَمَةٍ مَضْمُوَّمَةٍ، ثُمَّ نُونٍ سَاكِنَةٍ، ثُمَّ ثَاءٌ مُشَتَّتَةٌ، وَهُوَ: الْعَيْنُ الْجَاهِلُ، وَقَوْلُهُ: «فَجَدَّعَ» أَيْ شَتَمَهُ، وَالْجَدْعُ: الْقَطْعُ. قُولُهُ: «يَجِدُ عَلَيَّ» هُوَ بِكَسْرِ الْجِيمِ، أَيْ: يَغْضَبُ.

1523. Абу Мұхаммад Абдурәхмон ибн Абу Бакрдан розияллоху анху ривоят қилинади.

«Сүффа аҳли\* камбағал кишилар әди. Бир сафар Набий соллаллоху алайхи

vasallam: «Кимнинг икки кишилик егулиги бўлса, (суффа аҳлидан) учинчи(киши)ни олиб кетсин, кимнинг тўрт кишилик егулиги бўлса, бешинчи ё олтинчисини олиб кетсин», дедилар - ёки шу каби гап айтди. - Абу Бакр учтасини олиб келди.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўн кишини олиб, йўлга тушдилар. Абу Бакр Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида кечки овқатни еди. Сўнг то хуфтонни ўқигунча қолиб кетиб, кейин қайтди. Сўнгра кечанинг Аллоҳ ҳоҳлаганича қисми ўтганда етиб келди. Аёли у кишига: «Меҳмонларингиздан (уларнинг олдига киришдан) сизни нима ушлаб қолди?» деди. У: «Уларга кечки овқат бердингми?» деди. «Келмагунингизча кўнишмади. Уларга (таом) тутишди», деди. Мен бориб, яшириниб олдим. (Абу Бакр:) «Эй пандавақи!» деди. «Қулоқ-бурнинг кесилсинг», деб койиб, уришди-да: «Олинглар, еяверинглар» деб, кейин: «Хеч қачон емайман», деди.

Аллоҳга қасамки, луқма олганимиз сари (таом) тагидан ортиб, бундан ҳам кўпаяверди. Ниҳоят, тўйишди, (таом эса) аввалгидан ҳам кўпайган эди. Абу Бакр қараб, аёлига: «Эй Бану Фиросликнинг сингли, (бу қанақаси?)» деди. (Хотини:) «Кўз қувончим билан қасамки, ҳозир у олдингидан уч баробар кўпроқ!» деди. Ундан Абу Бакр ҳам еди. «(Мени бунга ундан) шайтон эди», деди-да, - яъни қасамига - ундан бир луқма еди. Кейин уни Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга олиб бориб, у зотнинг ҳузурларида тонг оттириди.

Биз билан бир қавм ўртасида аҳд бор бўлиб, унинг муддати тугаган эди. Биз ўн икки кишига ажратилдик, ҳар бир киши билан бирга улардан (ўша қавмдан) бир гуруҳ бор эди. Ҳар бир киши билан бирга қанча одам борлигини Аллоҳ Ўзи билади. Бироқ у зот улар билан бирга одам юборгандилар. Уларнинг ҳаммаси ўша таомдан ейишиди».

Бошқа ривоятда: «Абу Бакр розияллоҳу анҳу у овқатдан емайман деб қасам ичдилар. Хотинлари ҳам емайман деб қасам ичди. Меҳмонлар ҳам (хонадон соҳиблари)

Бошқа ривоятда: «Абу Бакр: «У овқатдан емайман», деб қасам ичдилар. Хотинлари ҳам емайман деб қасам ичди. Меҳмон (ёки меҳмонлар) ҳам (хонадон соҳиблари) ейишмагунча емаймиз, деб қасам ичишиди. Абу Бакр розияллоҳу анҳу: «Бу қасам шайтондир», деб овқатни олиб келишга буюрдилар. Қачонки овқат олиб келингандан, ундан едилар. Улар ҳам ейишиди. Бирор луқма олинса, остидан кўпайиб, зиёдалашаверар эди. Абу Бакр: «Эй Бани Фирос, бу нима?» деганларида, хотинлари: «Кўзимнинг қувончи ҳаққи! Ҳозир бу таом, еганимизнинг аввалги ҳолатидан ҳам кўпайгандир», деди. Улар бу таомдан ейишиди. Ҳамда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бундан юбордилар. Ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи

vasallam ундан еганларини зикр қилдилар».

Бошқа ривоятда: «Абу Бакр ўғиллари Абдураҳмонга: «Меҳмонларингни уйга олиб боргин. Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига бораман. Мен бормасдан меҳмонларининг овқатларини бергин», дедилар. Абдураҳмон меҳмонларни олиб келиб, ўз ҳузурларидаги таомни олиб келиб, «Бундан енглар», деди. Меҳмонлар: «Хонадон соҳиби қани?» дейишиди. Абдураҳмон яна: «Олинглар, енглар», дедилар. Меҳмонлар: «Хонадон соҳиби келмагунча емаймиз», дейишиди. Абдураҳмон: «Зиёфатларингизни биздан қабул қилиб олинглар. Чунки хонадон соҳиби келсалар, сизлар овқатланмаганингизни кўриб, ғазаблари келади», деганларида, меҳмонлар қабул қилишмади. Билдимки, отам келсалар, (бу қилган ишим учун) мендан хафа бўлардилар. Қачонки, отам келганларида, мен яшириниб олдим. Отам: «Меҳмонларга нима тайёрладинглар?» деб сўраганларида, уйдагилар (бўлиб ўтган воқеадан) хабар беришди. Отам: «Эй Абдураҳмон», дедилар. Мен жим турдим. Кейин яна: «Эй Абдураҳмон», дедилар. Мен жим турдим. Отам: «Эй пандавақи! Қасам ичаманки, агар овозимни эшитаётган бўлсанг чиқгин», дедилар. Мен чиқиб: «Меҳмонлардан сўранг», дедим. Меҳмонлар: «Ўғлинг рост гапиряпти. Бизга овқат олиб келди», дейишиди. Абу Бакр: «Сизлар мени кутдингларми? Аллоҳга қасамки, мен бу кеча овқатланмайман», дедилар. Қолган кишилар ҳам: «Аллоҳга қасамки, сен овқатланмагунингча биз ҳам тановул қилмаймиз», дейишиди. Абу Бакр: «Вой бўлсин! Нима учун зиёфатларингизни биздан қабул қилмайсизлар», деб таомни келтиришни буюрдилар. Қачонки у келтирилганда, овқатга қўлларини қўйиб, «Бисмиллаҳ», деб аввалги қасам шайтондир дедилар. У киши овқат ейишни бошладилар, улар ҳам ейишни бошлашди.

Муттафакун алайҳ.

Шарҳ: Набий алайҳиссаломнинг масжидлари олдида усти ёпиқ кичик бир жой бўлиб, ўша жой «суффа» дейилган. Ўша жойдан бошпана топган фақир ва оиласиз кишилар аҳли суффа дейилган.

Ҳадисда, Абу Бакр розияллоҳу анхунинг уйидаги таомга барака кирганлиги ҳакида сўз юритилмоқда. Пайғамбар алайҳиссалом Масжиди Набавийнинг суффа деб аталган ерида ётиб турган фақир мусулмонларни едириб ичиришни баъзан бошқа мусулмонларга топширганлар. Ўлчов, уч кишилик таоми борнинг тўртинчи қилиб бирини чакириши, тўрт кишилик таоми борнинг эса бешинчи ҳатто олтинчи кишини чакириб меҳмон қилиши эди.

Абу Бакрнинг меҳмон қилиш учун уйига олиб бориши сабаб бўлган бир ҳодиса учта ривоятда турлича келган. Абу Бакрнинг онт ичиб у таомдан емаслигини айтиши, меҳмонларнинг ҳатти-ҳаракатларига аччиқланганлигини кўрсатади. Чунки меҳмонлар рухсат берилган ҳолда улар олиб келган таомдан тотмасдан Абу Бакрни кутган эдилар. Ҳатто уни

кутиш билан қолмасдан, у таомдан Абу Бакр емагунича емасликларни айтиб Абу Бакрни қийин аҳволга туширган эдилар. Фақат охири яхшилик билан тугади. Ҳаммаси биргаликда таом едилар. Фақат ҳар олинган луқманинг кўпайиши ва барака кириши Абу Бакрни ҳайратга солди. Бу эса Аллоҳнинг Абу Бакр ва оиласига икроми эди. Бу баракали таомдан Абу Бакр Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳам жўнатди. Мадинага келган кўп қабила бу таомдан еб тўйди.

Бу ҳолат Абу Бакрнинг иймон ва тақво эгаси, илоҳий икром ва каромат эгаси эканлигининг далилидир.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

